



Тасвир

ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТИ ИИБ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

№ 62—63
(2482—2483).

1992 ЙИЛ
24 ИЮНЬ

ЧОРШАНБА

НАРХИ 2 СЎМ.



АССАЛОМУ АЛАЙКУМ!

Милиция ходимлари орасида ҳар дақиқада инсонларга ёрдам қўлини чўздиган фидойи кишилар кўп. Зотан, меҳр-мурувват, раҳм-раҳиқ сингари фазилатлар уларга ҳамisha йўлдош.

— Ҳурмат қилсанг, ҳурмат топасан, деган нақл бежиз айтилмаган, — дей-

ди Олмалиқ шаҳар ички ишлар бўлими участка вакили, милиция майори Турдиали ака Ҳасанов.

Мана, сиз сурагдa кўриб турган онахонни кўрд-ю, Турдиали ака унга томон интилди. «Ассалому алайкум, онажон! Йўл бўлсин?», — дея катта йўлдан қўлтирига кириб, ўтказиб қўйди. Мамнун бўлган онахон, «Умрингдан барака топ, мелиса болам», деб Турдиали акани дуо қилди.

ИНТИЛИШНИНГ ЯКУНИ — ҒАЛАБА

Ўзбекистонимиз мустақилликка эришиб, ички ишлар идоралари собиқ СССР ИИБ таъқибидан халос бўлгач, кўп нарсалар ўзгариб кетди. Бюрократик босим йўқолиб, анча-мунча эркинликларга муваффақ бўлинди. Айни пайтда мустақил қадам ташлаш масъулияти анча-мунча залворли эканлигини ҳис қилмоқдамиз.

Ҳозирги кунда ҳар бир милиция ходимининг асосий вазифаси — озоод юртимизни ва азиз юртдошларимизни турли тоифадаги жиноятчи ёки қонунбузарлардан муҳофаза қилиш ва шу аснода кўпчилик ҳурматини қўлга киритиш, мустақил республикамиз раҳнақини айри фикрли шахслар тажовуздан ҳимоя этишдир. Бунинг учун барча ерда ҳуқуқ-тартибот ходимлари куч ва имкониятларини, амалий ҳаракатларини уйғунлаштириш керакки, бунга маълум маънода эга бўлиш япти ҳам.

ИИБ олий мактаби ўқитувчилар жамоаси бу борада катта ишларни амалга оширмоқда. Улар сабоқ олаётган ҳар бир талаба билан жиддий шуғулланиб, келажакда малакали ходим бўлиб етишишлари-

ни таъминлаш чораларини кўрмоқдалар.

Айни пайтда олий мактаб бошлигининг ўринбосари милиция подполковниги Р. Магдеев, криминалистика кафедраси бошлиги, ички хизмат полковниги Г. Абдумажидов, малака ошириш куллийети бошлиги ички хизмат полковниги Н. Ваҳобов ва бошқалар юқоридан айрилган мақсад ижросини таъминлаш учун бор билим ҳамда маҳоратларини сарф этмоқдалар.

Ишончимиз комилки, улар ҳаракати шу пайтгача кўзланган натижани бериб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлади. Шу ўринда битта мисол келтирмоқчиман.

Шу йил 8 май куни Андижон вилоятининг Олтинкўл тумани ҳудудида бадаида жараҳат излари бўлган эркак кишининг мурдаси топилди. Вилоят ва туман ИИБлари ходимларидан иборат оператив-тергов гуруҳи бутун фикри-зикри билан жиноятни фош этишга киришди. Натижада марҳумнинг шахси аниқланди: у 4 май куни шахсий автомашинасида уйдан чиқиб кетган ва бедарак йўқолган Т. экан. Қўтилларни аниқлаш юзасидан олиб борилган тадбирларнинг пишиқ-пух-

талиги яна бир бор синодан ўтди. Марҳумнинг «ВАЗ-2106» белгили машинасига гайриқонуний йўл билан эга бўлиш мақсадида унинг жонига қасд қилган уч шахс ҳибсга олинди. Малакали милиция ходимларининг ҳатти-ҳаракатлари туфайли бу кимсалар айбни бўйнига олишдан ўзга илож тополмадилар.

Улардан бирининг уйдан юқорида белгиси айтилган машина ҳамда 12 дона ўқи бўлган милтиқ ҳам тортиб олинди.

Бу учи-қуйруғи йўқ жиноятни очинида Олтинкўл тумани ИИБ бошлигининг ўринбосари милиция майори Л. Ботиров, вилоят ички ишлар бошқармаси ЖҚБ бошлигининг ўринбосари милиция катта лейтенанти Д. Юсупов, оператив вакил милиция майори О. Мадумаровлар ўз билимдонликларини яна бир қарра намоиш этдилар.

Биз ишончимизки, республикамиз ички ишлар идораларига кадрлар тайёрлаб берувчи асосий даргоҳ муаллимлар жамоаси милиция сафларини ана шундай жасур ва билимдон кишилар билан тўлдиринида суръат ва сифатни сусайтирмайди.

Дилфуза ДЕҲҚОНОВА,
милиция лейтенанти.

БУГУНГИ СОНДА:

2-БЕТ

АСАББУЗАРЛИК ДАВОМ ЭТЯПТИ
(Мавзуга қайтамиз)

3-БЕТ

Катта йўлда фалокат бўлганини англаб, бекатга назар солганимда, аллақачон анча-мунча одам тўпланиб қолган эди...

4-БЕТ

Рўзномамизнинг шу сонидан эътиборан детектив жанр устаси, машҳур Америка ёзувчиси Жеймс Хедли Чейзнинг «Гонконгдан жўнатилган тобут» романи таржимасини бера бошлаймиз.

5-БЕТ

Отанинг чинакамига жаҳли чиққан эди: тунонам кўзлаб мушт туширдик, аёлнинг башарасига...

6-БЕТ

Жанубий Тошкент темир йўли бекати ички ишлардаги темир йўл бўлими бошлигининг ўринбосари, милиция капитани Муслим Қўлиев билан бўлган суҳбат.

7-БЕТ

Е, қудратингдан, нима бало... Ўзи пешонам шўр экан.

8-БЕТ

Бир неча вилоятларимиздан тайёрланган хабарлар билан танишинг.

БИРЛАШГАН ЎЗАР

Маълумки, ўзбек ила қирғиз халқи азалдан дўст, қанда-анда бўлиб яшаб келадилар. Кейинги йилларда бир қанча ғаламис ниятли кишиларнинг ташаббуси билан юзага келган миллатлараро келишмовчиликлар ҳам бу икки халқ ўртасидаги дўстлик ришталарини уза олгани йўқ. 1990 йилда ҳар икки жумҳурият алоқаларини янада мустаҳкамлаш мақсадида Хонобод ва Жалолобод шаҳарлари ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг ҳамкорлик кенгаши тузилди. Ушбу кенгашга Ўзбекистоннинг Қорасув, Қўрғонтепа, Қирғизистоннинг Ҳеса Сўзоқ, Қорасув шаҳарлари суд, прокуратура, ички ишлар бўлиmlари ҳам қўшилдилар.

Кенгашнинг шу давргача етти марта йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишларда қилинажак ишлар хусусида ўзаро фикрлашиб олинди, янги режалар тузилди. Бирдамлик асосида олиб борилаётган ишлар дастлабки босқичдаёқ ўзининг ижобий натижасини кўрсатди. Масалан, 1990 йилда Хонобод прокуратураси томонидан миллий муносабатлар ҳақидаги қонунни бузганликлари учун 54 нафар шахс расман огоҳлангирилиб, 9 нафар шахс маъмурий жавобгарликка, икки киши эса жиноий жавобгарликка тортилган эди. 1991 йилдан шу кунгача эса бундай ҳоллар тақрорланмади. Ушбу қувонарли ҳолатни Сўзоқ, Қорасув, Қўрғонтепа, Жалолобод шаҳарларида ҳам кўриш мумкин.

Ўзаро ҳамкорлик асосида олиб борилган ишлар натижасида аҳолининг қўй-молларини, пул ва жиҳозларини ўғирлаб, кун кўрувчи бир қанча гуруҳлар фош этилиб, суд томонидан жавобгарликка тортилдилар.

Халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш, уларнинг сиёсий ва иқтисодий, умуминсоний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жиноятчилик ва ҳуқуқ-тартибот ишларининг бузилишига йўл қўймаслик учун амалга оширилаётган ишларни мувофиқлаштирувчи кенгаш ва унинг ҳамраислари Хонобод шаҳар прокурори, адлия катта маслаҳатчиси Т. Сайдахматов ҳамда Жалолобод шаҳар прокурори, адлия маслаҳатчиси Т. Суеркуловлардан халқимиз миннатдор бўлмоқдалар.

Саминжон ХУСАНЗОДА,
Андижон вилояти ИИБ «Садоқат»
рўзномаси муҳбири.

Мавзуга қайтамиз

АСАББУЗАРЛИК ДАВОМ ЭТЯПТИ

Баҳор ойлари бошланди шундан бери транспорт чам-барани тутганларнинг хуноби ошган. Пойтахт вилояти қишлоқларида истиқомат қилаётганлар қарамоқларидаги мол-қўйларни серқатнов йўллар ёқасида ўтлатишни одат қилиб олишган. Ҳайвон — ҳайвон эканда, қутилмаганда қарши томондан келаётган машинанинг ҳаракати йўналишига чиқиб кетади. Ҳайдовчи ҳушёр ҳамда малакали бўлса-ку хўп-хўп, акс ҳолда бирор қор-қол юз бериши ҳеч гапмас. Шундай кўнгилсизликлар рўй берапти ҳам.

Газетамизнинг шу йил 27 май кунги сониди ана шу муаммога эътиборимизни қаратди ва Тошкент вилояти ИИБ ДАНБ ходими, милиция капитани Абдукарим Қўшбоевнинг «Молнингизни йўлдан олинг!» сарлавҳали мақоласини чоп этдик. Ва шу усул билан автомобиль назоратчиларини сергаклантirmoқчи бўлдик.

Аммо бу уринишимиз қутилганидек натижа бермади. Орадан анча-мунча вақт ўтди ҳамки, ҳамон эски ҳаммом — эски тоз.

Ҳамон мол-қўйлар катта йўллар ёқаларида боқилаяпти, ҳамон ҳайдовчилар бундан жиғибирон. Ўзи нима гап? Наҳотки, Тошкент вилояти ИИБ ДАНБга қарашли биринчи рота ходимлари «Постда» чиқишини назарга илмайётган бўлсалар?!
Масаланинг моҳиятига етиш учун фотомухбиримиз, Ҳабибулла ака Шодиев билан бирга Тошкент-Сирдарё вилоятларини боғловчи ва Термизга қадар давом этадиган катта бетон йўл бўйлаб сафарга отландик.

Шаҳардан чиққач, кўп юрмай вилоят автономизация биринчи постга етиб келдик. Ва шу ерда рота командири, милиция майори Саидкарим ака Сайдалиевни учратдик.

— Ҳақиқатдан ҳам газетада шу куннинг бир қарашда арзимасдек туюладиган, аммо ўта муҳим муаммосини кўтаргансизлар, — деди у киши муддаойимизни эшитгач. — Эртаси кунёқ ўша мақолани биргаликда муҳокама қилдик. Ҳар бир инспекторга аниқ вазифалар юклатилди. Аммо тушуниб

етдикки, муаммони ҳал этиш фақат бизгагина боғлиқ эмаскан.

— Нима учун? Ахир, бу йўлга бевосита сизлар хизмат кўрсатасизлар-ку?!

— Тўғри, лекин... Яхши-си, сизлар ҳеч бўлмаса Ялламагача бориб, манзарани ўз кўзингиз билан кўринглар. Кейин суҳбатимизни давом эттирармиз.

Яхши таклиф. Зеро бизнинг мақсадимиз ҳам шу эди. Вэвод командири Абдуқаҳҳор Содиқов билан бирга йўлимизда давом этдик. Таъбир жоиз бўлса, ҳар қадамда моллар боғлаб қўйилган. Ҳатто, икки тарафлама йўл ўртасидаги икки метрлар чамасидаги ораликда ҳам (суратларга қаранг). Санамоқчи бўлдик, аммо ҳисобдан адашиб кетдик. Ажабланарлиси шундаки, бу ҳайвонларни деярли ҳеч ким назорат қилмаяпти.

Анча-мунча юргач, сирларини боғлаб қўйилган жойидан нарироққа силжитаятган ёшгина аёлга дуч келдик.

— Сиз билан танишсак бўладими? — деган саволимизни у рад этди (бу тарбиянинг зўрлигими ёки гўрлигими — ҳайронимиз!).

— Нега молларингизни йўл ёқасида боқяпсиз, ахир бу мумкин эмаску?!

— Бўлмаса, қаерда боқшим керак? Чор-атроф пахта даласи бўлса, мол қилмайлик десак, бунинг ҳам иложи йўқ. Қишлоқ жойида яшасак, бир этак бола-чақамнинг оғзига сутқатиқдан ўзга нима ҳам тутта олардим?

Тўғриси тан олиш керак, аёлнинг (меҳнатда қорайган!) эътирозларига му-

носиброқ жавоб тополмадик. Ортимизга қайтдик.

— Кўрдингизми, бизга ҳам, уларга ҳам оғир, — дейди Абдуқаҳҳор ака. — Биринчидан, қонидани бузиб, йўл ёқасида мол-қўй боқаятганларга атиги ўн сўм жарима солишимиз мумкин. Шунда ҳам уларни топа олсак. Иккинчи томондан, ўзим ҳам қишлоқда яшайман. Қонун-қонда ўз йўлига, аммо уларга ҳам осон эмас.

Эсимда бор, бундан бир неча йил муқаддам қишлоқда чорва моллари туғини кўпайтириш ва шу аснода озиқ-овқат дастурини рўёбга чиқариш юзасидан қатор кўрсатмалар берилганди. Хўжаликлар экинзорлари ҳисобидан ўтлоқлар ажратиш, чорва молларига эга бўлган кишиларни ем-хашак билан таъминлаш вазифаси, янглишмасам, қишлоқ кенгаши раҳбарлари зиммасига юклатилганди. Аммо бизда кўзга гира-шира ташланадиган бир касаллик ҳали-ҳануз яшаб келяпти. Юқоридан бирор қонун ёки қарор чиқадиган бўлса, нари борса бир ой-бир ярим ой «ура-ура» қилиб, бутун аҳамиятини унинг «ижро»сига қаратамиз. Пича вақт ўтгач эса ўша нарсалар масъулларнинг ҳам, радио, телевидение, рўзномаларнинг ҳам «хотирасидан фаромуш» бўлади.

Ҳар эҳтимолга қарши Ҳамроқул Носиров қишлоқ кенгаши раҳбарияти билан суҳбатлашиб кўришга қарор қилдик. Аммо туш пайти бўлгани учунми, идорада ҳисобчилардан ўзга ҳеч кимни топа олмадик.

— Ана шунақа гаплар, — дейди рота командири хо-муш тортиб. — Инспекторларимиз бир жойдаги молларни эгаларига айтиб ол-


диргунларича бошқа жойга мол боғланади. Худди «сичқон-мушук» ўйинига ўхшайди. Ўзингиз ўйлаб кўринг, бу аҳволдан туманлар раҳбарлари беҳабарми? Ҳеч-да. Ўтмади деганда ҳокимлар шу йўлдан бир кунда бир марта ўтса керак. Аммо парво қилишмайди. Бу ДАНБнинг вазифаси деб ўйлашади.

Тошкентдан Чинозга борадиган эски йўлга ҳам бизнинг йигитларимиз хизмат кўрсатади. Одамлар шундоққина йўл ёқасига шахсий қассобхона очиб олишган. У ёқдан бу ёққа, бу ёқдан у ёққа тинмай ўтаётган транспорт воситаларидан чиқаятган заҳарли газ ҳам, чанг ҳам сўйилган гўштга ёпишаверади. Аммо ҳеч кимнинг иши йўқ. Санэпидстанциядагиларнинг-да парвойи палак. Ваҳоланки, катта трасса бўйларида шу каби қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан савдо қилиниши ҳаракат хавфсизлигига таъсир кўрсатмасдан қолмайди.

Хулоса: қаерда бўлмасин, юқоридаги каби катта йўл ёқаларида уй ҳайвонларини боқиб автофалокатни келтириб чиқаришдаги муайян қадамдир. Автофалокат дегани эса бегуноҳ инсонлар тақдирини шафқатсиз равишда ҳал этади. Шу боис ДАНБ ходимлари бунга йўл қўймасликлари, ҳар қандай ваз-карсондан устун туришлари керак. Зеро, уларнинг зиммасига ана шундай кўнгилсизликларнинг олдини олиш вазифаси юклатилган.

Иккинчи тарафдан, ўзларининг бу ҳатти-ҳаракатлари туфайли кимлардир жабр кўриши мумкинлигини ўша мол-қўйларнинг эгалари ҳам тушунишлари керак. Қолаверса, бирор қор-қол юз берганда, нархи бир неча ўн минг сўм турадиган уй ҳайвонларидан ажрашлари, бундан оилалари моддий зарар кўриши ҳам ҳеч гап эмас.

Учинчи тарафдан, муаммони тўласича ечишда Калинин, Янгийўл, Чиноз туманлари раҳбарларидан ташаббускорлик талаб этилади. Агар қишлоқ аҳли чорваси учун ўтлоққа майдон ажратилса, ем-хашак билан мунтазам таъминлаш чора-тадбирлари қидирилса, кўнгилдагидек иш бўларди. Шундагина ҳамманинг асабини эғовлаётган муаммога чек қўйиларди.



Ҳ. ШОДИЕВ олган сурат.

Раҳмон АЛИ.

«МИЛИЦИОНЕР ҲАМ ОДАМ»...МИ?

Кутдик, кутавердик. Кутилгандан эса дарак бўлавермади. Тошлоқ тумани ИИБдангина икки энлик расмий жавоб олдик. У ҳам кўнгилга таскин бағишламади. Милиционерларнинг турмуш ўртоқларидан келаётган хатларни эса ниҳоят эълон қилмасликка қарор қилдик. Чунки чекидан кузатиб турган кишиларнинг наздида мавзу сийқалашиб, майдаллашиб кетаётгандек эди. Биз эса бунга хоҳламаймиз. Бизда не гуноҳ, барча ходимларнинг оғизлари бир мазмунда мактуб битишса? Уларда не гуноҳки, жумҳуриятнинг барча бурчларидаги ички ишлар ходимларининг ташвиши, қайғуси, муаммоси бир хил бўлса, Шунинг учун ҳам эълон қилмай қўйдик. Мутасадди акалар эса талқон ютишгандек эди.

Гап «Милиционер ҳам одам» мақоласи ва унга битилган акс-садолар хусусида.

Биз энди милиционерларнинг оғир, сермашаққат ишлари хусусида ёзиб ўтирмаймиз. Бу ҳақда уларнинг оғизлари кўп ва хўп айтишди. Айтаявериб чарчашиб ҳам, биз эса эълон қилавериб. Энди ҳар қандай гап ортиқча бу борада. Хуш, улар нима хоҳлашади ўзи? Хоҳиш жуда оддий ва бир қаравида ўнғайсиз: милиционер ҳам одам. Худди

шу нарсани айтаявериб, айтаявериб уқтиришолмади улар. Бизлар ҳам. Ҳаммаси йил бошида Мукаррам исмли жувоннинг тахририятимизга кат ёзишидан бошланган эди. Шунгача ҳатто биз ҳам ўйлаганмиз шунақалигини... Ўша сарлавҳадаги гапнинг шунақалигини. Шундан жумҳуриятимизнинг барча бурчларидан милиционерларимизнинг аҳли оқизалари хат ёза бошлашди: улар ҳам одам. Албатта, ҳамма мустақиллик, дунё миқёсидаги ишлар ҳақида оғиз кўпиртираётган бир чорда аёлларнинг ҳасратини тинглаб ўтириш ўнғайсиз. Начора.

Умр эса бир марта берилади. (Бу гапни кўчадаги аёлнинг талаффузидан бошқачароқ тушунилишини истардим). Аёлларимиз эса болалари отасиз, турмушлари эркаксиз ўтаётганини ёзишмоқда. Улар эркаклашиб боришмоқда. Эрдари эса хизматдан бўшамайди. Бир томондан яхши ҳам бўлди, ҳасратидан чанг чиқай деб турган овсинлар бир-бирлари билан газета орқали ҳасратлашиб олишди. Бизнинг эса фақат овсинларнинг ҳасрати билангина чекланиб қолиш ниятимиз йўқ эдию, расмий идоралар уларнинг гапларига қўшилишни хоҳлашмади.

Яна ўша хатга қайтамиз. Унда ёзи-

лишича, милиционерларга бор имкониятлардан келиб чиққан ҳолда моддий ёрдамлар бериб турилибди. Раҳмат, Яна ёзилишича, Мукаррамхон билан учрашиб, эрининг иши оғирлиги тушунтирилибди. Майли, лекин унинг ўзи ҳам тушунарди бунга. Аслида эса туман ИИБдан бундан ортиқроқ жавоб олишнинг имкони ҳам йўқ. Чунки уларга мана шу машмашаларнинг асл сабаби, моҳияти — милиционерларни оиласига қайтаришга ҳеч ким ваколат бермаган. Ваколати борлар — бу масалани ечса бўладими, йўқми, шуни ҳал қиладиганлар эса ҳозирча жим. Балки уларнинг назари тушмагандир газетамизга, балки қўллари бўшамаётгандир катта-катта муаммолардан. Биз эса айтаямизки, ушбу майда муаммони ечмай туриб, улканларини ҳал қилиш жуда мушкул. Милиционер ўзини қўл эмас, эркин кишидек ҳис қилмас экан, унинг иши юришиши даргумон.

Мутасаддилар эса талқон ютгандек... Ҳатто тахририятимиздаги айримлар ҳам бу мавзунинг кўп ёритилганидан: яна, «Милиционер ҳам одам»ми, дейдиган бўлишди. Газетхоннинг ахволини эса айтмас ҳам бўлади. Ахир ҳатто шакарнинг ҳам ози яхши-я, бу ҳасратку, ҳақиқатку аччиқ.

...талқон эса эрмади...
Чамамизда бу ҳақиқатни уқтириш, нафақат уқтириш, балки исботлаш жуда оғир кечади.

ИСМОИЛ.



Бир жиноят тахлили

Ун тўртда ўт бўлмаслар,
Ун тўртда ёт бўлмаслар,
Ун тўртда зот бўлмаслар,
Ун тўртда бўлишар муздай мусаффо,
Ипак каби саррин, сўлим, гаранг, ажинсиз,
Гамсиз...

Иброҳим Гафуров. «Сония».

— Учқовиям ўлиб қолди-ку уларни! Одамлар, дўхтирни чақиринглр!!!

Мен бу чинқириқни эшитиб, ҳаёлларим тарқаб кетган пайтда, омадсиз якшанба адоқлаб бораётган, икки кундан буён борлиқни эгаллаб турган этни жунжиктирувчи совуқ ҳаво тарқай бошлаган, бу юртларга бегона бўлган ёз булутлари ҳам тўзиётган, ҳаводан илиқлик уфуриб қолган эди. Уст-бошлари, бир аҳволдаги 3-4 жувон додлаганича катта йўлдан чопиб келар, қаттиқ қўрқинганидан эсанкираб қолишган: «Учқовиям ўлди... дўхтирди чақиринглр... Мошини босиб кетди...» деб бақириварди-ю, бошқа бирор нарсани тушунтириб беришолмасди. Кўзларида, юзларида даҳшат қотиб қолган эди уларнинг: бир нигоҳ ташлаган киши бунинг дарров англаб олар ва ўзининг ҳам ичига титроқ кирарди. Даставвал, улар узоқдалигида жинни бўлиб қолишибди-ми, дедим, чунки нималар бўлганини ҳали билмас, аёлларни эса бундай даҳшатли ҳолда илк бор кўришим эди. Кейин эшитсам, булар ҳали ўн бешга ҳам кириб улгурмаган, бегуноҳ қизалоқнинг ўлимига гувоҳ бўлишган экан.

Катта йўлда фалокат бўлганини чала-нимчала англаб, бекатга назар солганимда, аллақачон анчамунча одам тўпланиб қолган, бақириварди-ю эшитилганлар эса ҳар томондан югуриб келишаётган эди. Ўзим ҳам етиб борганимда аллақачон машина уриб кетган уч қизни касалхонага олиб кетишган, бекат ёнида, йўлнинг ўртасида олди пачоқ бўлган яп-янги «УАЗ» белгилли машина турарди. Бу маҳал бекатда одам кўпайиб кетган, кўпчилик жаҳл билан машина томонга ташланар, тўрт-беш киши эса уларни қайтариб турарди:

— Шошманглр, мелиса келсин, кейин гаплашасилар.

Билсам, ҳалиги ҳайдовчи машинанинг ичиди ётган экан. Кимлардир: «маст, сулайиб ётибди», — деди, кимлардир «таёқ еган», — деди. Кейин, милиционерлар келгач, уларнинг олдида тушиб пилдираб жўнаб қолганида бу иккала гапга ҳам шубҳаланиб қолдим.

— Ўзимиз суд қиламиз. Чиқар бу ёқда, яшириб ўтирмай уни.

Кимдир машинанинг капотида ура бошлади.

— Одамлар, машинани ёқинглр! Индамасанг булар сингиларимизни ўлдириб кетаверар эканда.

Бундан икки кун бурунги бир таксичи билан суҳбат ёдимга тушди. Ўшанда Ургутга кетаётган эдим. Бир қишлоққа келганда таксичи машинани секинлатди:

— Бу ерда жуда аста ҳайдаш керак. Одамлари

ёмон. Яқинда битта яп-янги «нўл олти»ни ёқиб юборишган.

— Нега?!

— 18 яшар бир болани уриб кетгани учун.

— Эгасичи?

— Мошинди ташлаб қочиб кетган.

Ўша қишлоқ бу ердан унча узоқ эмас эди, лекин ҳайдовчилар ҳали бу жойдан сесканмай ўтишаркан, чамамда.

Ҳаммаси аралаш-қуралаш бўлиб кетган, одамлар шу «УАЗ» атрофида ўралашар, кимдир: ўлдираман! — дейди, кимдир: ёқаман! — дейди. Уларни ушлаб, қайтариб турганлар ҳам кўпчилик. Бўлмаса... Мен эса илк бор кўрдимки, «Ўлдир», «Ўлдираман», — дейётган кишиларнинг ҳам кўзидан раҳм-шафқат, меҳр уфуриб турар экан. Уларга ҳам осон тутиб бўлмайди, чунки уч бегуноҳ қизни қан-

— Уччаласиям одам бўйи, одам бўйи учиб кетишди-ей. Ўлиб қолди улар, беллари синиб кетди-ей.

Узоқдан чироғини ёқиб олган кўк машина кўринди:

— Бу Норпўлатнинг қизини олиб кетган мошин-ку! Тез қайтди...

Унинг орқа ўриндиғида ётқизиб қўйилган қизнинг боши кўриниб турарди.

— Акамнинг қизи ўлди!

Бу гапдан ҳамманинг қалби ларзага тушди, бу гапдан ҳамманинг кўзига тирқираб ёш келди.

Икки қизи фалокатга учраган отани келтиришди, онаси ҳам келиб қолди кўп ўтмай. Бошқалардан фарқли ўлароқ улар йиғлашмас эди. Агар фақат кўздаги ёшнинггина йиғи, деб атайдиган бўлсак. Улар тахтадек қотиб қолишган эди. Уларга қараб инсониятнинг нақадар ожиз эканини ҳис қилдим.

Бу орада милиционерлар ҳам келиб қолишди. Унча катта бўлмаган Сариқтепа қишлоғининг аксарият одамлари бу воқеадан хабар топиб улгуришган эди. Аксарият одамлар кўчада йиғлаб юрибди: ҳеч ким бир-биридан уялмайди, ҳеч ким яширмайди ўзининг

ҳақиқий, жонли. Уларнинг ортидан ҳам бутун қишлоқ йиғлаб қолган экан, қўлларидан ҳеч иш келмаслигидан алам қила-қила, мард йигитлар йиғлаган экан ҳўнграб, гувоҳлар бир умр қийналишар экан энди.

Энг азобли томони шундаки (ҳаммаси ҳам азоб, буниси жуда ҳам), қизлар дам олишдан қайтишмаётган эди; улар томошадан келишмаётган эди. Тамаки экиб келишаётган эди улар. Бунинг эса нақадар машаққат эканини биласизми?

Дунёда таманидай йбтидой экин бўлмаса керак. Шу икки кун давомидаги совуқда ургутлик қизларга жуда-жуда раҳмим келиб турган эди. Осонми? Ҳаво совуқ, шамол, тепадан ёмғир савалайди. Мен чеккада қалтираб турибман, қизлар эса тиззагача лой кечиб тамаки экишяпти. Уст-бошлари шалаббо бўлиб кетган. Ёмғирда панага ўтиш деган гап йўқ. Вақт зиқ, сув йўқ. Кейин ҳашарчилик. Бу ерда бир қоидага амал қилишди: бйр кунга ҳўкиз ўлмас, икки кунга эгаси бермас. «Ҳашарчилар»ники эса бир кунилик эмас. Бугун унисникига, эртага бунисникига.

Орадан бир сутка ўтиб, худди шу мавзу замирида фожиа келиб чиқди.

Энди эса одамлар алам билан, ҳасрат билан эслашмоқда: «Бечора, қизалоқ, бу дунёга келиб нималарни кўрди? Тамакидан бошқа бирор нарсани билиб кетдими бу дунёдан? Қурибгина кетсин-а, шу тамакиси ҳам». Мен эса айтаман, у пахтакорнинг оиласида туғилганда нима ўзгарарди? Эътибор берган бўлсангиз, йўлларда ҳалок бўлаётган аксарият укаларимиз, сингилларимиз пахтага кетаётган бўлади, тамакидан қайтаётган бўлади. Ўлимда ҳам ҳаёт акс этса керак.

Энди ҳали ўн бешга ҳам кириб улгурмаган қизалоқнинг ўлими учун ким жавоб беради, ким? Деҳқонни мазах қилиб юрган олимларми, тобора тирикчиликнинг қўлига айланиб бораётган ота-онами, ичовлиб рулда мудраб юрган ҳисобчимиз, болани шу иўйга солиб қўйган жамиятми? Ҳалиги қизчага ачинаман. Ўзининг қисқа умридан нималарни хулоса қилиб олиб кетди ҳақиқий дунёга? Меҳнат — умр, меҳнат — ҳаёт унинг наздида. Бизнингча ҳам шундай. Аслида ундай эмас-ку. Қизалоққа эса, ҳатто ўлими олдида ҳам озроққина ҳордиқ чиқариш насиб қилмади, бу дунёнинг ташвишларини олиб кетди елкасида у.

Машина орқа томондан келгани учун ҳам қизлар ҳеч нарсани сезмай қолишган, орқароқда бўлган қизалоқ биринчи бўлиб дуч келган машинанинг зарбасига, опа-сингиллар эса кейин. Сингилнинг оёғи синган, опасининг эса оёғи синган, ичи эзилган, жағи чиқиб кетиб, мияси ҳам чайқалган экан. Бутун сариқтепаликлар туни билан худдога илтижо қилиб чиқди: «Эй, худо, ишқилиб энди иккаласи тирик қолсинда!»

Илтижо қабул бўлди, чамамда. Тошкентга келдим Ургутга қўнғироқ қилдим. Иккаласи ҳам тирик, дейишди.

Мендан сўрашди: «Шаҳарда ҳам шундай воқеалар бўлиб турадими?» «Йў, — дедим, — у ерда одамлар тамаки экишмайди, пахта теришмайди. Ҳайдовчилари ҳовлиқмароқ бўлса-да рулда ухлашни, ичишни ёқтиришмайди. Фалокат жойидан қизалоқни соч қистиргичининг синиқларини териб ола туриб эркаклари йиғлашмайди ҳам».

Эрта саҳарлаб йўлга чиқганимда, кечаги қотиллик излари ҳали ҳам ўчмаган, кечаги юзлаб одамларнинг оёқ излари, топташлари бунинг ўчириб юборолмаган эди. У ўзининг қайсарлиги билан «мана мен» дегандек ёй шаклида гадир-будур бўлиб турибди. Қизиги шунда эдики, кечаги халқнинг изи ўчиб кетган эди, ҳар ҳолда улар кўринмас эди бугун. Қишлоқ узра эса қалбларни ларзага солиб мунгли бир овоз таралмоқда. Бу ҳаммамизга таниш товуш, чунки, ўлим билан ҳаёт бир таёқнинг икки учи, холос.

Исмомил ШОМУРОДОВ.

БЕГУНОҲ ҚИЗАЛОҚ НИМАНИНГ ҚУРБОНИ БЎЛДИ?

дай қилиб машина билан уриб юборишганини кўришган, нималар бўлганини тушуниб, англолмай қолган уч қизнинг жон талвасаларига гувоҳ бўлишган. Воқеа бундай бўлган экан.

Тамаки экишга ҳашарга борган қизлар, аёллар кечки пайт уйларига қайтишаётган эди. Анчадан буён кўришмаган опа-сингиллар учрашиб (биттаси келинчак, бошқа-бошқа одамларни када хашарда бўлишган), катта йўл ёқасида гаплашиб кетаётган эди. Улардан сал орқада шу йил саккизинчи синфни тамомлаган қизалоқ, унинг орқасида эса бир нечта аёллар келишаётган эди. Яна ўн беш одимдан сўнг опа-сингиллар қишлоққа томон буррилишлари керак эди. Ҳалиги қизалоққа ҳам жуда кам қолган буррилишга, шу пайт тўсатдан... худди атайлаб қилингандек ҳаммаси. Катта йўлдан келаятган машина (бу ерда кўча яқинда кенгайтирилган бўлиб, унинг икки четиди эни уч метр келадиган тошлоқ қисми ҳам бор. Қизлар шу йўлакнинг ҳам четиди бўлган) бурлиб, ҳалиги сингилларни уриб, яна катта йўлга чиқиб кетаверган. Юз опимларча юриб, ҳайдовчи тўхтаган-да, тушиб қизларга қараган. Уччаласининг ҳам ётганини кўриб, машинага мияиб қочиб кетмоқчи бўлганда, шу яқин ўртадаги йигитлар қалитни олиб қўйишган.

Кўрган аёллар йиғлаб-йиғлаб айтишмоқда:

йиғисини. Ҳамманинг оғзида бир гап: ахир, у ҳали ёшгина эди-ку! Унинг айби нима?!

Англадим: кулфат одамларни бирлаштиради.

Яна англадимки, йиғи ҳам мардликнинг белгиси. Кўрдим: умрида оғзидан гапини олдирмаган, ҳеч қачон паст кетмаган эркаклар ёш боладек ҳўнграб, милиционерларга воқеа жойини кўрсатишиб юрибди: «Кўринг, ахир, қизлар четда эди-ку! Мана, мошинди изига қаранг...»

Қайдандир Ургут туманининг ҳокими пайдо бўлди.

Бўлиб ўтган воқеани эса ҳеч ким орқасига қайтаролмас эди энди.

Яқинда олганимиз бир хабар ёдимга тушиб кетди беихтиёр. Фарғона вилоятида йўл четиди кетаётган богча болаларининг устига худди шу белгидаги машина чиқиб кетиб, тўрт нафар болакай ҳалок бўлади. Ўзимга ўзим айтаман: айб «Узлик»лардами? Ғалати ўхшашлиқни қаранг: икки ҳолатда ҳам йўл четиди қизлар жабр кўрган. Бирида ҳайдовчи ухлаб қолган, бирида маст бўлган. Бунинг устига иккала ҳайдовчи ҳам яхши лавозимларда ишлаган, обрўли одамлар.

Олдинроқ раҳбаримиз айтган бир гап ҳам ёдимга тушди: «Йўл ҳам бир фронт. Ҳар йили унда бир урушнинг одами ўлади». Негадир бу гапларга эътибор бермаганман вақтида, аҳамият берган бўлсам ҳам тўлиқ англамаганман. Ҳар бир рақам замирида одам бор экан. Қоғоздаги эмас,

Оқшоми билан сув таланиб ухламай чиққан йигитлар эса кундузи ҳазиллашяпти. Тамаки экишга қизлардан бошқаси ярамайди. Ҳатто энг замонавий роботлар ҳам. Чунки улар лойга тушиб деганда «заманика» бўлиб куйиб кетишаркан. Тамакикорлар олимларни тан олишмайди. Олимлар ҳам уларни менсигтгани йўқ. Бундан тўрт-беш йил бурун улар ажойиб аппаратни ихтиро қилишди. Бу энди аёллар кўзда ёш билан қарғаб ўтирган ишни бажариши керак эди. Яъни тамаки экиши керак. Иш услуби ҳам ажойиб: олти катта-катта филдираги бўлган бу мўъжиза тракторга уланар экан, сўнг олти киши биттадан филдиракнинг олдида ўтирволиб, ниҳолни маҳсус тешикчага битталаб жойлаштириши керак. Филдирак айлангач эса, бу кўчатлар бориб қуруқ тупроққа қадалиши лозим. Аппаратнинг ортидан эса олти киши юриб пиёла билан ҳар бир ниҳолнинг остига сув қуйиб туради ва... ҳамма ниҳол қовжираб кетиши керак. Худди шундай латифаном аппаратни кўтариб келишган олимлар тамакикорларнинг қошига. Булар ҳам ўз навбатида бу мўъжизани тўғридан-тўғри қўқимхонага ташлаб, бир йил давомида мазах қилиб юришди. Шу мавзуда гап қўзғалиб роса кулиб олишганимизда орадан йигирма тўрт соат ўтиб бу ҳақда куйиб эслаш кераклигини ҳаёлимга ҳам келтирмагандим.

Ижод

Ногаҳон телефон жиринглаганда идорамни ёпиш тардудиди эдим. Соат олтидан ўн дақиқа ўтган экан. Кун юракни сиқадиған даражада чўзилиб, самарасиз ўтди: мижозлар. Йўқ, келган ягона хатни ҳам очмасданоқ, саватга улоқтирдим. Мана энди бутун кун давомидаги биринчи қўнғироқ. Гўё ишим бошимдан ошиб ётгандек, бетоқат оҳангда лўнда гапиршига ҳаракат қилдим:

— Нельсон Рейн.

Ҳеч ким миқ этмади. Фақат тайёранинг шовқини эшитиларди, холос. Шовқин-сурондан қулогим бир неча дақиқа том битди. Сўнг шовқин бир оз пасайгандай бўлди — афтидан, қўнғироқ қилаётган киши телефон хонасининг эшигини беркитди шеклилли.

— Мистер Рейн? — сўради узук-юлуқ нотаниш эркак овози.

— Адашмадингиз.

— Сиз хусусий изқуварсиз-а?

— Яна адашмадингиз.

Тагин сукунат. Сўнгра у гапида давом этди:

— Бир неча дақиқагина вақтим бор. Қўналгадан. Сизни ёлламоқчи эдим.

— Исми шарифингиз, турар жойингиз?

— Жон Хардвик, Коннот хиёбони, 33.

— Жавобларни ёзар эканман, сўрадим:

— Қандай иш бажаришимни истайсиз?

— Хотинимнинг издан тушингизни.

Реактив двигателларнинг сурони яна унинг сўзларини босиб кетди.

— Гапларингизни тушунмадим, мистер Хардвик.

У шовқин пасайишни кутиб турди-да, кейин шошапиша гапира кетди:

— Ишим ҳар ойда икки марта Нью-Йоркда бўлишимни тақозо этади. Йўғимда хотинимнинг қадам олиши бошқачароқми, деган гумоним бор. Орқасидан кузатсангиз, Индинга, жума куни қайтаман. Менсиз нима қилишини билмоқчи эдим. Бу менга қанчага тушади?

Шўнгра ўхшаш топшириқларни ҳушим ёқтирмайди, аммо на чора, йўқдан кўра шу иш топилгани ҳам маъқул.

— Қаерда ишлайсиз, мистер Хардвик?

У бетоқат тўнғиллади:

— Мен «Херрон»данман, бандан гумроҳ!

«Херрон Корпорейшн» — ҳамма биладик, у Тинч океани соҳилидаги энг йирик ширкатлардан бири. Пасаде-на аҳолисининг роппа-роса чорак қисми у туфайли роҳат-фароҳатда яшайди.

— Кунига эллик доллар ва бошқа ҳаражатлар ҳақи. — дедим мен, одатдагисига ўн доллар қўшиб.

— Келишдик. Югурдак орқали дарҳол уч юз доллар юбораман. Хотинимдан кўз узманг. Агар у уйдан чиқмаса ҳузурига ким келишини билганингиз маъқул. Бажарасизми?

Уч юз доллар учун бундан қийинроқ топшириққа ҳам қўл урса бўлади.

— Бажараман. Лекин олдимга кириб кета олмайсизми, мистер Хардвик? Мен ўз мижозларимни кўришим керак.

— Тушунаман, аммо сизга мурожаат қилиш фикри ҳозиргина ҳаёлимга келиб қолди. Нью-Йоркка учиб кетяпман, ҳузурингизда жума куни бўламан. Умид қиламанки, хотинимни кўздан қочирмайсиз.

— Шубҳаланманг, — қўнаётган тайёранинг ҳайқирғи мени ҳам жим бўлишга мажбур этди. — Менга хотинингизнинг белгилари керак, мистер Хардвик.

— Коннот хиёбони, 33, — қайтарди у. — Мени чақирингиз. Кетишим керак.

Жумагача! — У трубкани илиб қўйди.

Мен ҳам трубкани жойига қўйиб, сигарета тутатдимда, бир-икки босиб тортидим.

Сўнги беш йил мобайнида хусусий изқувар бўлиб ишлашимга тўғри келди. Бу вақт ичида ҳар хил қизиқ кишиларни учратганман. Жон Хардвик ҳам шунақалардан бири бўлса керак. Афтидан ҳаёт уни бир оз эзганга ўхшайди. Хотини ҳам юриш-туриши билан роса жигига теккан кўринади. Ундан шубҳаланишга асос пайдо бўлгани, навбатдаги сафари чоғида бир синаб кўрмоқчи бўлган. Бундай воқеалар учраб туради. Шўрлик бир дақиқалик ҳис-ҳаяжон таъсирида шу қарорга келган. Ҳаммаси тўғри, лекин бу ишнинг нимасидир

номи йўқ эди. Турар-жойлар кўрсаткичидан Коннот хиёбонидаги 33-уйда Жон Хардвик эмас, Жек С. Майерс яшашини билдим.

Вазият пухта ўйлаб кўришни тақозо этарди. Коннот хиёбони Палма Моунтейн йўлида, шаҳар марказидан тахминан уч миля нарида эканлиги ёдимга тушди. Бу ерда дала ҳовлилар жойлашган бўлиб, таътил вақтида одамлар уй-жойларни ижарага олишарди. Жон Хардвик ҳам худди шундай кишилардан бўлиши мумкин. Шу билан бирга, «Херрон Корпорейшн»нинг хизматчилари анча сармоядор бўлишарди. Демак, ўз хусусий уйининг битишини кутиб, мана шу ҳовлини ижарага олиши ҳам эҳтимолдан йироқ эмас.

шинани тўхтатиб, моторни ўчирдим-да, ёнбошимдаги ўриндиққа ўтиб олдим. Бу жойдан керакли дарвозани кузатиш қулайроқ эди.

Кутаётганимга бир соат бўлди. Бу орада ёнимдан уч ёки тўртта машина ўтиб кетди. Ишдан қайтаётган одамлар менга унчалик эътибор беришмасди. Мени айғоқчи эмас, машуқасини кутаётган машаққатпараст деб ўйлашларини истардим. Яқинимдан жун нимча ҳамда тор чарм шим кийган қиз ўтиб кетди. Унинг ёнида беҳаловат бароқ лайча чопқилаб борар эди. Қизнинг лорсиллаб турган қоматига кўзларим ўйнаб қараб маҳлиё бўлиб қолибман. Лекин у мен томонга беларвогина назар ташлаб қўя қолди.

Соат тўққизларда ҳаммаёқни қоронгулик қоплади. Сэндвичларни еб, қўлқоплар сақланадиган қутидаги вискидан хўпладим. Узундан-узун, зерикарли кутишнинг охири йўқдай эди. 33-уйнинг дарвозаси эса ичига қийма тикилган чўртанбалиқдай, жон аломатини кўрсатмасди. Қоронгулик шунчалар қуюқлашдики, энди туриб, бирор нарса қилса бўларди. Машинадан тушиб, кўчани кесиб ўтдим. Дарвозани қия очдим-да, мўъжазгина саришта боққа мўраладим. Текис қирқилган майсазор, гуллар ҳамда бир қаватли уйга олиб борувчи йўлкани илғаш учун ёруғлик етарли эди.

Уй қоронгулик қаърида. Кўриниб турибдики, у ерда ҳеч ким йўқ. Ишонч ҳосил қилиш учун унинг чор атрофини айланиб чиқдим, лекин ҳеч қандай ёруғлик аломатини кўрмадим. Таъбим тирриқ бўлиб, машинага қайтдим. Эри қўналгага кетиши биланоқ миссис Хардвик ҳам қаёққадир жўнаб қолганга ўхшайди.

Нима қилиш керак? — Кечаси қайтиб келар, деган умидда кутиб ўтираверайми? Қулайроқ жойлашиб олдим. Чамаси соат учларда кўзим илинганини сезмай қолибман.

Машинанинг олдинги ойнасидан тушган дастлабки кўёш нурлари мени зум ўтмай уйғотиб юборди. Бўйимни вишиб, белим қотиб қолибди. Гуноҳим эзарди: уч юз долларни ҳалол ишлаб, оқлаш ўрнига бемалол ухлаб ётсам-а.

Нариорда сут ташийдиган юк машинаси кўринди. Молини қолдириш учун ҳар бир дарвоза ёнида тўхтаётган сутчини кузатиб турдим. 33-уй олтидан парво қилмай ўтиб кетди ва тўпна-тўғри ёнимга келиб тўхтади.

Машинадан тушиши биланоқ олдиға бордим. У аччиқ турмуш ва оғир меҳнат афтангориди ўз изини қолдирган кекса киши эди. Сутли шишалар солинган сим идишни маҳкам ушлаб турганича, савол назари билан менга қаради.

— 33 уйни эсдан чиқардингизми? Ҳаммага сут бердингиз, уларни унутдингиз. Менга тикилиб қарар экан, кўзлари ҳайратдан қақнаб кетди.

— Улар кетишган. Сени нима ишинг бор, хўжайини?

Бундай одамлар билан ҳазиллашиб бўлмайди. Устига-устак полициячилар билан тўқнашини тоқатим йўқ. Шунинг учун гувоҳномамни кўрсатдим. У ҳужжатимни синчиклаб ўрганар экан, тишлари орасидан ҳуштак чалиб, ўзимга қайтарди.

— 33-уйнинг дарвозасини тақиллатдингизми? — сўрадим мен.

— Йўқ албатта. Улар кетишганига бир ой бўлди.

— Улар ким ўзи?

— У бир оз ўйланиб қолди.

— Мистер ва миссис Майерс.

— Мен ҳозир у ерда мистер ва миссис Хардвиклар

яшашади, деб ўйлабман.

У идишни ерга қўйиб, бош кийимини орқага сурди. — Айни ҳозир у ерда ҳеч ким яшамайди, хўжайин. Агар у ерда кимдир бўлса, мен билмай ким билсин. Ҳаммага ҳам сут керак, уни эса фақат мен тарқатаман.

— Тушундим, — дедим мен, гарчи ҳеч нимани тушунмаган бўлсам ҳам. — Мистер Майерс уйини битта-яримта оғайнисига бериб турмаганикин, нима дейсиз?

— Мен деярли саккиз йилдан бери мистер Майерсга ҳам хизмат қиламан. У уйига ҳеч қачон ҳеч кимни қўймайди. Йилнинг шу вақтида доим бир ойга жўнаб кетади.

Сутчи идишини кўтарди. У одамларга зарур бўлган ишдан кеч қолишни истамётганлиги кўриниб турарди.

— Сиз шу атрофда яшайдиган бирорта Жон Хардвикни билмайсизми? — сўрадим умидимни узиб.

— Бу ерда унақалар йўқ. Мен билган бўлардим, атрофдагиларнинг ҳаммасини танийман, — деди у бошини чайқанича. Сўнгра машинасига ўтириб, навбатдаги уйга қараб кетди.

Адашмадимми деган хаёлга келдим. Йўқ, адашмаганман. Хардвик юборган қоғозига ўз қўли билан шу ерни ёзиб қўйган, бундан ташқари телефонда ҳам шу жойни айтди.

Хўш, фақат тун бўйи бўм-бўш чорбоғ ёнида ўтириб чиқишим учунгина уч юз доллар тўлаш шартмиди? Балки сутчи адашаётгандир? Бирок мен бу хатога йўл қўйишим мумкин эмас.

Шунинг учун яна 33-уй олдиға келдим, дарвозанинг бир табақасини очдим. Эрта тонгнинг равшан нурлари остида кимсасиз уй сўппайиб турар, ҳеч ким йўқлигига ишониб учун унга яқин бориш шарт эмасди. Деразалари ёғоч эшикчалар билан тамбаланган, уларни қоронғида пайқабман ҳам. Уй шубҳасиз, бўм-бўш эди.

Донг қотиб қолдим. Фақат сирли Жон Хардвикнинг ўзигагина маълум сабабга кўра, мен қаергадир йўқ бўлиб қолишим керак эди ва шунинг учун у мени денгизни ҳовучлаб қуритишга юборган. Лекин сабаби нима? Эс-ҳуши жойида одам ўзи ёқтирмайдиган кишидан ўн икки соатга кутилиш учун уч юз долларни ҳавога совурини ақл бовар қилмайдиган иш. Рўй берган ҳодисани жиддий мушоада қиладиган аҳволда эмасдим, аммо бу фикр хаёлимдан кетмасди. Тўсатдан идорамга зудлик билан етиб бориш истаги қалбимни ларзага солди. У шунчалик кучли эдики, душга тушиб, соқол олиш ва қаҳва ичишни ҳам эсдан чиқариб юбордим.

Тонг палласи бўлгани учун йўлда қатнов кам эди ва мен кўча соатлари еттига бонг урганда идорамга етиб келдим. Қоровул менга беларвогина қараб қўйди-ю тескари ўтириди.

Бешинчи қаватга югурганимча чиқиб, қора ҳарфлар билан бир текисда «Нельсон Рейн, изқувар» деб ёзилган тавиш эшик томон шошилдим.

Оний, тушуниб бўлмайдиган туйғу эшик тутқичини зарб билан буришга мажбур этди. Гарчи кеча кечқурун қулфлаб кетган эсамда, у очик эди. Эшикни даст очиб, даҳлига кирдим.

Ишлайдиган хонамининг эшиги ҳам қия очик. Кетаётганимда уни қулфлаб кетган эдим-ку.

Этим жимирлаб кетди. Ичкарига мўраладим.

— Этим жимирлаб кетди. Ичкарига мўраладим.

— Этим жимирлаб кетди. Ичкарига мўраладим.

— Этим жимирлаб кетди. Ичкарига мўраладим.

— Этим жимирлаб кетди. Ичкарига мўраладим.

— Этим жимирлаб кетди. Ичкарига мўраладим.

— Этим жимирлаб кетди. Ичкарига мўраладим.



менга ёқмапти. Сирли мижозларни жиним суймайди. Телефондан кимлигини билиб бўлмайдиган мавҳум овоз инчинун. Гаплашаётган одам рўпарамда туришини маъқул кўраман. У эса бундан ўзини олиб қочаяпти, топган баҳонаси ҳам ғалати. Шулар ҳақида бош қотирар эканман, йўлакда оёқ овози эшитилди. Эшикдан кирган «Экспресс»нинг югурдаги столимга бир нима тўла қоғоз халтача ташлаб, имзо чекиладиган дафтариини узатди.

У паст бўйли, бетига сепкил тошган, завқ-шавққа тўла ғайратли ёшлар авлодига мансуб ўспирин эди. Дафтарига қўл қўяётганимда, мўъжазгина, хароб хонамни кўздан кечириб чиқишга улгурган эди. Шифтдаги чакка доғи ҳам китоб жавонининг чанг босган пештахталари ҳам, бир оёғи синиқ курси ҳам унинг истеҳзоли нигоҳидан четда қолгани йўқ.

У кетгач, халтачани очдим. Ўттизта ўн долларлик пул чиқди. Ортиқча ёзуви йўқ оппоқ қоғозга: «Жон Хардвикдан, Коннот хиёбони, 33» сўзлари босма усулда туширилган эди.

Пул келтиришдаги тезкорлик аввалига мени ажаблантирди. Лекин бир оз ўйлаганимдан кейин: «Хардвик «Экспресс» Компани»нинг доимий мижози-ю, мен билан гаплашиб бўлгач, уларга қўнғироқ қилибди-да, деган қарорга келдим. Уларнинг идораси менга қўшни, кўчанинг нариги томонида жойлашган.

Телефон китобида ҳеч қандай Жон Хардвикнинг

Бу иш ҳақида қанча кўп ўйласам шунчалик кам ёқарди. Менда таъқиб қилиниши керак бўлган аёлнинг ҳатто белгилари ҳам йўқ. Агар уч юз доллар юборишга улгурмаганида эди, Хардвикнинг қайтишини кутиб, ишга киришмаган бўлардим. Лекин у ҳақ тўлаб бўлди, демак топшириқни бажаришга мажбурман.

Хонамни қулфлаб, лифт томон юрдим.

Қўшни хонада «Индустрал Хемист» вакили тер тўкиб ишлаётганга ўхшайди. Магнитофонгами, котибаси-гами ёзиш учун ниманидир айтиб тургани қулогимга чалинди.

Лифт оҳиста биринчи қаватга тушди. Кўчани кесиб ўтдим-да, ҳар куни тамадди қиладиган чоғроқина бистрога (ошхонага) кирдим. Буфетчи Спарроудан бир жуфт чўчка ҳамда жўжа гўшти сандвич (устига юпқа қирқилган ҳар хил гўшт, ёр ёки пишлоқ қўйилган нон) тайёрлаб беришни сўрадим.

Сандвич солинган қоғоз халтани қўлтиқлаб кўчага чиқганимда соат олтидан қирқ дақиқа ўтган эди. Машинага ўтириб, Коннот хиёбони сари йўл олдим. Шошилишининг ҳожати йўқ. Сент-брий куёшининг сўнги нурлари сўна бошлаган пайт. Бир қаватли уйлар кўчадан жонли иҳота билан паналанган. Мен 33-уй ёнидан сенкилаб ўтдим. Қўш табақали мустаҳкам дарвоза берк. Кўча бўйлаб йигирма газча юрсимдан, чоғроқина тўхташ жойига кўзим тушди. Ундан ажойиб денгиз манзараси кўриниб турарди. Ма-

(Давоми кейинги сонда).

Тавба денгу ёқа ушлани

Замон, замон, бизнинг замон, даврон бизники, Кўлимизда еру осмон, имкон бизники...

Ажойиб кўшиқ. Истеъдодли ҳофиз Шерали Жўраевнинг ширали овозидану торидан таралган бу дилбар наво ўз вақтида йиғит-қизлар дилига тезда кўча қолди. Ҳақиқатда ҳам ажойиб кўшиқ.

Афсус, эндиликда бу икки жумланинг сўнггида «эди» ни қўшиб айтишга мажбурмиз. Замон ўзгариб кетди. Албатта, бу ўзгаршни биз 70-100 йиллаб кутдик. Бардошимизга тасанно. Аммо замон кутилмаганда ўзгарди. Биз КУТГАН томонга КУТИЛМАГАНДА ўзгарди. Замон, даврон бизники бўлганди, бизники бўлмади қолди. Сабаб битта: яшаш оғирлашиб кетди. Ўзинг учун ўл етим бўлди ҳозирча мустақиллигимизнинг ўзаги. Бировнинг биров билан иши йўқ. Қаллада фақат пул, пул, пул... Девдай-дегдай йиғитлар катта кўчада сигарета тутатганча музқаймоқ, стақан йи чала-чулпа ювиб, уч-тўрт челақ сув қўшилган ичимлик сотади. Ориятли халқнинг белидан пайдо бўлган забардаст ўғлонлар ўзга жинсининг ичкўйлагини сотади!

Асаблар таранг. Сал нар-

сага дарров ади-бади бошланади — «сен эшшак, сен чўчка!» Мен ўзга сайёрадан кузатув ишларини олиб бормайман, йўқ. Ана шу жигибийронларнинг биттасиман.

«Шунча нарсага ақлинг етибди, яша! Хўш, нима истайсан?» Кўпларнинг дилида шу савол. Жавоб берилдан олдин яна озгина дийдиё қилиб олай.

9-рақамли маршрут таксисиде кетаётгандим. Тў-

отаингни»ни қўшиш шартми? Жанжалда ҳам озгина маданият бўларди, шекилли. Йўқ, ҳаммаси ўзаро оқибатнинг йўқолганлигидан.

Хадра бекатида эдим. Чин маънодаги ароқхўр билан дуппа-дуруст йиғит тортишиб қолишди.

— Йўқол кўзимдан, бўлмасам кунингни кўрсатаман, — деди йиғит алкашга.

— Кўрсат, қани, бир кў-

сомондек судралаётган йиғит.

— Сен ўзрига ким ёрдам берарди, — дея йиғитлар уни мушт билан «сийлаб», цирк тарафга олиб кетишди.

Ҳар иккала ҳодиса кимга қандай таъсир қилди, билмадим-у, лекин менга ўхшаб (хатонимга иқроман) ҳаммаси лом-ним дейишмади! Гўёки, худди шундай бўлиши керакдек.

Отанинг ҳам, ўғилнинг ҳам, аммаю сингилнинг ҳам жаҳли буруннинг учиде. Чор тарафда жаҳолат!

Бизга нима бўлди, яхшилар? Ахир, бир аср ўзлимизни хор қилиб яшасакда, сабр қилгандик-ку? Меҳр-мурувват, ширин сўзлимиз бор эди-ку. Нега энди ўзбеклигимизни эндигина англаганимизда, ўз йўлимизга тушиб олиш учун ҳаракат қилаётганимизда юз бериши табиий бўлган қийинчиликка дуч келиб, яна ўзбеклигимизни унутсак. Юз йилга етган қаноат вақтинчалик мушкулот қаршида йўқ бўлиб кетса. Тиззагача эгилган бошининг кўтарилгани ва биргина шунинг ўзи яратганининг буюк қарами эмасиди?

Қайтадан ўз ўрнини топган дўшнинг ёнга қўйиб, келинг, бир ўйлаб кўрайлик, бизга нима бўлди?

Эркин САИФИДДИН ўғли.

ЧОР АТРОФДА ЖАҲОЛАТ

сатдан қаттиқ чийиллаган овоз келди. Машина бир чайқалиб, тўхтади.

— Кўзингга қараб ҳайдасанг ўласанми, эшшак!

Бу дағдага «жабрдийда» «Москвич» ҳайдовчисиники экан.

— Поворотни ёқдим-ку, оғайни, — деди жавобан бизга хизмат кўрсатаётган «айбдор» ҳайдовчи.

— Қайси йўлда турибсан бўлмас! Ҳе, башарангга...

Машиналаридан чиқмай роса сўкишишди-да (жанжаллашишмади!), ўз йўлларига равона бўлишди.

Бунақа воқеалар ҳаётда юзлаб юз бериши мумкин. Бироқ, албатта «онангни-

рай, — деб ароқхўр унга яқинлашди-да, уришга чоғланди.

Шунда нима бўлди, дег? Дуппа-дуруст йиғит кўрқанидан, ҳа, кўрқанидан орқага тисариллиб, тўхтаб турган автобусга чиқдию, қочди-кетди. Буниси орқасидан гўлдираганича икки-уч қадам ташлаб, гуп йиқилди. Ана сизга алпомнишлар!

Бу воқеа тугар-туғамас бекатга келиб тўхтаган автобусдан уч-тўрт йиғит ўзлари тенги йиғитни бир қоп сомондек кўтариб тушиб қолишди.

— Одамлар, ёрдам беринглар! — дейди бир қоп

УНУТИЛМАГАН УНУТИЛМАС ВОҚЕА ХУСУСИДА

Катта шаҳарнинг туманида бир жиян яшар эди. Бунинг бир қилиғи ортиқ эканми, ишқилиб, яқиндагина икки йилга ахлоқ тузатиш ишига жалб қилинганди. Лекин отасининг ўгай сивглиси — аммасиникига кела туриб ҳам ҳали ахлоқи тузалмаган экан.

Ваҳор ойлари, кечки пайт эди.

— Амма, поччам қани? — ҳовлиқиб келди у.

— Касалхонага кетувдилар-а...

— Бўлмасе кутиб тураман.

— Майли...

Бу пайда жиянлари ухлаб қолишган, Анвар телевизор томоша қилишга

ўтирди. Унинг кўнгли шу ерла айнитими, олдинроқ бузилганмиди, бизга қоронғу, лекин, аммаси Назира болаларининг ёнига чиқиб кетаётганила шарт билангина ушладиди, диванга итариб юборди. Сўнг сочларидан чангаллади. Қаршилиқ қилган эди, юзига икки мушт туширдию, пастга — палоснинг устига судраб тушди.

— Нималар қилаяпсан?! Эсингни йиғ. Ахир, мен амманг бўламан-ку?! Ойлам бузилиб кетади-ку?!

Аёл зорланганича қолаверди...

Эри келганда жиян «бировга айтадиган бўлсанг, ўлдириб кетаман», — деган

дўқ-пўписалар билан чиқиб кетган, Назира хўнг-хўнг йиғлаб ўтирар, бўлар иш бўлиб, бўёғи кўчган эди.

— Ҳа, нима йиғи-сиги?

Жувон олдинга ҳеч нарсани айтмади. Нимани ҳам айтсин... лекин жим юриб ҳам бўлмайди, охири дардини ёрди.

Ҳолат анча нобоп ва оғир. Эрини ҳам хўп боши қотди. Ниҳоят, хотинининг акаси — Анварнинг отасини олдига боришга қарор қилди. Улар эса кўлашиб жиянни аммасининг олдига судраб келишди. У қилган ишини тан олмади.

Эртасига эрталаб эси жойига келгач, бориб барча қариндошларининг ол-

лида аммасидан кечирим сўради. Билмадим, қотиллик қилиб узр сўралса кечирим мумкинми... Уйга қайтгач, она бечора чидаёлмади:

— Милисага ўзинг боргин.

Анвар шунга қолганда ҳам мардлик қилолмади. Қўшни жумҳуриятлардан бирининг пойтахтига қочиб кетди. Ким билсин, балки юзи чидамагандир, балки ўша пасткашлиқ қобигидан чиқолмай, жазодан қочиб кетгандир.

Орадан олти ой ўтиб бу воқеани барча унутгандир, деб қайтиб келдию қўлга тушди.

Тушлик пайти дўкон эшигини ёлган Фариде (исми ўзгартирилган) икки қадам юрмай орқасига ўтирилди. Ташқарида бир қиз эшикни тортиб, имо қиларди. Фариде уни таниши Илмиранинг синглиси деб гумон қилди-да, эшикни очди.

— Сен Илмиранинг синглисимсан? — Ҳа.

— Қани Илмира? Соғсаломат юрибдими?

У гапини тугатмаёқ, орқасидан яқинлашган Илмира Фаридани кучоқлади.

— Яхши юрибсанми, ўртоқжон? Соғ-омонимсан? Чарчамалисанми?

— Ўзинг, яхшимисан?

— Айтгандай, сендан қанча қарз олгандим?

— 392 сўм. Нимайди?

— Ҳозир ойлигимни оламани, қарзимни узаман.

Дугоналар гаплашиб тураркан, уларга Мансур яқинлашиб, қорни жуда очганлигини, бирга тушлик қилишни таклиф этди.

Биргаллашиб йўлга тушишаркан, Илмира Фаридега юзланди.

— Ўртоқжон, келиннинг Хитойдан нималар олиб келди?

— Турли лаш-лушлар, магнитофон, велюр газламалар, — мақтанди Фариде.

— Вой, менга бир кўрсатгин, йўқ дема. Анчадан бери велюр қидираётгандим. Овқатланамизу гир этиб ўтиб келамиз. Мана

Мансур акамлар олиб бориб қўйдилар. Нарн борса, ўн минут вақтингни олармиз.

Хуллас, улар биргаллашиб Фариданинг уйига жўнашди. Япон магнитофонини Мансур, велюр газмолнини Илмира оғзидан суви оқиб тоза мақташди. Қолаверса Илмира эртасигаёқ пулини нақд келтириб, бир ярим метр мато олиш ниятини билдирди. Қайтишда улар Фаридани ишхонасига элтиб қўйишди.

— Овозингни чиқарсанг, отаман! — деди пичоқ тираб тургани ва бир қўли билан аёлнинг қулоғидаги зиракни еча бошлади. Велюр олиш баҳонасида уйга кирган аёл эса иккинчи қулоғига ёпишди.

— Яхшиликча ўн минг берасанми ёки пичоқни тортвораверайми? — деди яна дағал овоз.

— Менда бунча пул йўқ.

— Машинанинг пули қаерда?

— Ишлатиб юбордим рўзгорга.

— Рўзгорга ишлатдим, дегин!

У шундай дея Фариданинг қўлларини орқасига қайирдида, ётоқхонага судради. Боғлаб, юзтубан ётқиздида, бошнини ёстиқ билан беркитиб боса бошлади. Уй бекасининг нафаси қисилиб, жон ҳолатда тийричилишга тушди. Бундан ўзича завқ олган босқинчи жабрдийдани бир оз шу алфозда ушлаб турдида, яна зинганиб сўради.

— Қани пуллар? Қаерда? — Илтимос, ёлвораман, гапингга ишонинг, бунча пулим йўқ!..

Йиғит энди уни ваннага судрай кетди. Шу пайт кимдир эшикни тақиллатди. Ҳамма турган жойида

қотиб қолди. Фаридани судраётган барзанги эса унинг оғзини маҳкам беркитишга улгурганди. Эшик бир неча бор тақилладида, афтидан келган одам уйда ҳеч ким йўқ деб ўйладими, тинчиди. Босқинчилар овоз чиқармай нарсаларни тугдиларда эшикка йўналдилар. Барзанги Фаридани ваннага киритиб, сиртдан эшик иллагини солиб қўйди.

Улар кетишди. Фариде амаллаб ванна эшигини оч-

қотиб қолди. Фаридани судраётган барзанги эса унинг оғзини маҳкам беркитишга улгурганди. Эшик бир неча бор тақилладида, афтидан келган одам уйда ҳеч ким йўқ деб ўйладими, тинчиди. Босқинчилар овоз чиқармай нарсаларни тугдиларда эшикка йўналдилар. Барзанги Фаридани ваннага киритиб, сиртдан эшик иллагини солиб қўйди.

Улар кетишди. Фариде амаллаб ванна эшигини оч-

ди. Кўча эшиги қулфланган, калит олиб кетилган эди. У иккинчи калитни топиб, эшикни очдида, қўшнисини ёрдамга чақирди. Биргаллашиб ташқарига югурди. Бу пайда қизил рангли «Жигули» автомашинаси катта йўл томон елиб борарди.

Воқеадан Фариданинг келинчисини хабар топди ва биринчи гапи «Хитойга бормай, ман ўлай», бўлди. «Қаёқдан ҳам шуларни олиб келдим-а. Нега ҳам сотиб беринг, дедим-а!» Уйнинг куйгурлар шу нарсаларга келганда.

Қйрай тумани ИИБ ходимлари ушбу босқинчилик ҳақидаги хабарни олишлари билан ишга киришдилар. ДАН ходимлари ҳам жалб этилди.

ШАҲВАТПАРАСТ ОТА-БОЛАЛАР

Яна ўша шаҳар туманларидан бирида ота-ўғил яшар эди... Ёз оқшомининг бирида уларникига қўшни аёл — Анна (шундай деб атасак ҳам бўлади) кириб келди, энгилгина кайфи ҳам бор эди. Олдинга ота билан Анна бири-бирига сув сепиб ўйнашди(1). Кейин аёл ичкарига — уй бекаси олдига кириб кетди. Орадан ярим соатлар ўтказиб, ота-бола ҳам уйга киришди. Ўтиришди, овқатланишди. Ота билан Анна «қиттак-қиттак» қилишди ҳам.

Жувон чиқиб кетиб, ота-бола ҳам овқатни ҳазм қилгани унинг хонадонига боришди:

— Э, келинлар, келинлар. Мен ҳозир чой қўяман.

У ошхонага ўтган эди, ота ҳам орқасидан чиқди, ва... ўша нарсани таклиф қилди. Аёл кўнмади. Бу отанинг нафсониятига жуда қаттиқ тегди: жувонни қучоқлашга тушди, у итариб юборди. Отанинг чинакамга жаҳли чиққан эди: чунонам кўзлаб мушт туширдими аёлнинг башарасига, бориб эшикка урилди. Эшикнинг ойнаси чилчил синди. Анна ўғил ўтирган хонага қочиб чиқди, ортидан ота ҳам...

— Ўғлим, эшикни қулфла...

Амр сўзсиз бажарилди. Бу маҳалда у аёлни йиқитиб, маҳкам босиб турарди:

— Қани, ўғлим!..

— Дала!..

— Бўл дейман сенга, қани... Қанжик, бақирсанг, ўлдираман!

Бу амр ҳам сўзсиз бажарилди. Ўғилнинг нафси конли. Энди отанинг навбати эди, аёлни ухлаш хонаси томон тортиқлай кетди.

Ухлаш хонасида... кейин ота ухлаб қолди. Жувон эса қўшнисиникига қочиб чиқиб, милицияга қўнғироқ қилди.

Эрталаб ҳеч нарса бўлмагандек уйқудан турган ота-ўғилни милиция олдию кетди.

Ш. ИСМОИЛОВ.

Орадан ўн кун ўтиб жиний тўда аъзоларидан бири — Ғайрат Раҳматуллаев қўлга олинди. Ғайрат орқали Илмира Йўлдошевага чиқилди. М. Аҳмедов, И. Исроилов, О. Иминовларга қидирув эълон қилинди.

Қидирув узоққа чўзилмади. Бир ой ичиде улар ҳам ходимларнинг пухта, изчил ҳаракатлари, машаққатли суриштирувлари тўғрисида қўлга олинди.

Хуллас, Фаридани кўрқитиб, 10.843 сўмликдан ортиқ буюмларга эгалик қилмоқчи бўлган жиний тўда аъзолари қўлларига кишан урилди. Улар фойдаланган пичоқ ва қирқма милтиқ эса тортиб олинди.


Шу ўрида ушбу босқинчиликка бош бўлган Ольга Иминова ҳақида икки оғиз сўз.

У 1984 йилда Тошкентда туғилган. 7-синфини арағ битиргану ўқимай қўя қолган. Ишчи. Муқаддам 1980 йили 16 ёшида Собир Раҳимов тумани халқ судининг ҳукми билан «ўтириб» чиққан. Бироқ, юқоридаги воқеа исботи, бу «ўтириш» фақат унинг маҳоратини оширган, холос.

Нима ҳам дердик? Бу дунёда ҳар ким қилса ўзига қилади. Мазасини тотгандай, жазосини ҳам тортади.

Нур БАДИА.

Хизматларда



ҲАЛОВАТ ҚАЙДА ДЕЙСИЗ?



— Бизникига ўхшаш бўлинма жумҳуриятда бошқа топилмаса керак, — дейди гурур билан Жанубий Тошкент темир йўл бекати ички ишлардаги темир йўл бўлинмаси бошлиғининг ўринбосари, милиция капитани Муслим Қўлиев.

Темир йўл бекатидан бир чақиримча наридаги ташландиқ ерда қад кўтарган бу шином, чоғроқ ҳовлиси, гулзори ва спорт майдончаси бор бино қурилганига ҳали йил ҳам тўлгани йўқ. Июнь қўшининг жазирамаси шаҳарни оташга тўлдирган бир пайтда бўлинма ичи воҳага ўхшаб кетади.

Бу ерда Тошкентдан Ангрен ва Чиноз туманидаги «Меҳнат» бекатигача бўлган 220 километрли ҳудудда жамоат тартибини қўриқловчи одамлар меҳнат қилишади. Ушунда аҳоли зич жойлашган, уни осойишта жой деб айтиш амри маҳол.


— Ҳар хил воқеалар бўлиб туради, — дейишади транспорт милицияси ходимлари. — Поездлардан юк ўғирлаш энг кўп тарқалган жиноятлар жумласига киради. Шу кунларда Янгийўл шаҳрининг халқ судида Сергей Левченконинг жинойи иши кўрилмоқда. У қишда, биз Совет Армияси кунини нияшонлаган 23 февраль кун бошланган эди. Левченко жинойи гуруҳ уюштириб, вагондан 2,5 тонна дон ўғирлаган. ТИИБ катта терговчиси, милиция капитани Виктор Новиков билан милиция капитани Икромжон Мақсудов жиноятчининг изига тушишди. Ўғри эртаси кунёқ қўлга олинди. Тергов жараёнида у шунга ўхшаш яна 19 та жиноят қилганлиги маълум бўлди. Темир йўлда нималарни ўғирлашмайди дейсиз. Компьютерлар, мебель, гилам, совун, эҳтиёт қисмлар, озиқ-овқат маҳсулотлари. Одатда ўғирланган буюмлар эгасига қайтарилади, бу транспорт милициясининг ютуғи.

Табиики, темир йўлдаги жиноятларни фақат талон-тарож қилишнинг ўзингина ташкил этмайди. Май ойининг охирида самаралик вагон кузатувчиси Вера Костнева навбатчилик қисмига мурожаат қилиб қолди. Номалум шахс бир четда турган вагонга кириб, унга пичок ўқталган ҳолда пули ва 5040 сўмлик бошқа буюмларини олиб кетган. Оператив-қидирув бўлимининг катта вакили, милиция катта лейтенанти Ортиқ Ирисбоев, милиция капитани Камолиддин Андамуродов ҳамда милиция лейтенанти Ҳасан Назаровдан иборат гуруҳ тез ва аниқ иш кўрди. Қароқчиларча ҳужум қилган кимса андижонлик Абдужаббор Рафуров экан. Унга нисбатан жинойи иш қўзғатилди.

Транспорт милицияси ходимларининг хизмати кечаси ёки кундузги таълим олмайди. Кисқа репортажда улар бажарётган ишнинг барча томонларини қамраб олишнинг иложи йўқ. Бу ерда — йўл ёқасидаги воҳада эса улар тушлик пайтида ёки навбатчилар алмашаётган вақтдагина бўлишади.

С. МИЛУШЕВ.

СУРАТЛАРДА: хизматнинг бир кун.
Сураткаш В. МИРЗАРАҲИМОВ.



ИШОНГИНГ КЕЛМАЙДИ

Андрей ва Василийлар дул топишнинг ажойиб йўлини топишганди. Аслида, бу йўл — ўғрилик ангилик эмас, аммо уларнинг услубиятлари «диққатга сазовор».

4 май кун икковлон Навоий шаҳридаги 19-маданий моллар дўконига тушишди. Томни тешинди. Бир зумда уч дона 9 минг 396 сўмлик «ФЭФ», бир дона 3 минг 500 сўм турадиган «Анвик» белгили магнитофони, 1 минг 521 сўмлик 85 дона «Феликс» ҳамда 490 сўмлик микро-

кассеталарни, 2 дона электрон соатни қопга тиқинди.

Орадан икки кун ўтгач, «Руслан» деб жомланган манший хизмат уйига таширф буюришди ва бу ердан ҳам қуруқ қайтишмади. Беш дона шим, икки метр велюр газлама ва икки жуфт оёқ кийимини қўлтиққа, нақд 170 сўм пулни чўнтакка уринди.

Урганган қўнғил ўрта-верар экан. Навбатдаги объект — 25-спорт моллари дўкони бўлди. Икки қўлни бурунга тиқиб қайтиш-

ни ўзларига эи билмагандар атиги 100 минг сўмлик буюмларни олишди.

Тўртинчи уриниш эса қимматга тушди. Ўз маҳоратларига ортиқча баҳо бериб юборган устасифаранглар 29-саноат моллари дўконига ташишигоҳ Навоий шаҳар ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими пультага уланганини сезишмаган экан. Милиция катта лейтенанти Домиёр Қўлов, милиция сержанти Мирзо Очилов ва милиция старшинаси Нуриддин Қилчелар ҳар иккисини ҳам воқеа жойида ушлашди.

Ортиқ МАҲМАЮСУПОВ.

Ташвишлардан ташқари



МЕХР-ОҚИБАТ УЧРАШУВИ

Болалар... Уларнинг кўнгли нозик. Мурғак қалбларига меҳр-оқибатни сингдириш — инсоний бурчимиздир. Хоразм вилояти ҳокимияти ички ишлар бошқармаси ходимлари Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўни фарзандлари учун қадимий ва навқирон шаҳар — Хивага саёҳат уюштирдилар.

Ундан кўзланган яна бир мақсад Хива шаҳар 20-болалар уйи тарбияланувчилари билан учрашиб, суҳбатлашиш эди. Шундай бўлди ҳам.

Учрашувда вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи муовини, милиция майори Ш. И. Отажонов нутқ сўзлаб, Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўни билан қизғин қўтлади ва бошқарма томонидан ажратилган 2 минг сўм пулни топширди.

Болалар уйи директори Вера Пак бошқарма маъмуриятига чин дилдан миннатдорчилик билдирди.


Байрам тантаналари шаҳар истироҳат боғида давом этди. У ерда концерт программалари намойиш этилиб, турли мусобақалар ўтказилди. Хива ғилам комбинатига қарашли «Юлдузча» ва шаҳардаги 8-болалар боғчалари тарбияланувчилари митти санъатларини намойиш этдилар.

М. НАВРЎЗАЛИЕВ,

Хоразм вилояти ички ишлар бошқармаси матбуот гуруҳи ходими, милиция лейтенанти.

СУРАТЛАРДА: байрам лавҳалари.

Сураткаш Саъдулла БОБО.



КУЛГАНГА КЕНГ ДУНЁ

— Жон, ҳозир нима иш қилаясан!
— Кўча сотувчиси бўлиб ишга жойлашдим.
— Қизиқ. Унда кўчангини метри қанчадан!
— Эринг нима иш билан шуғулланади!
— Нима билан! Фақат мен билан-да!
Сайёҳ ерлик кишидан сўради:
— Бу ерда яшаш қалай!
— Яхшимас! Ўзласизми, бу ерда ҳеч нима ўсмайди.
— Мабоодо бугдой эксаляринг-чи!

— Агар эксан! Унда бошқа гап.
Милиция бўлимига бир киши ҳовлиқиб кирди:
— Машинами ўғирлашди, ёрдам беринглари!
— Уғрини кўрдингизми!
— Йўқ. Лекин машинанинг давлат рақамларини ёзиб олишга улгурдим.
Дўконда хотин эрига деди:
— Ма, боланг кўтаргинда, ликопчаларин менга бер. Сен ҳар дом қўлингидан нарсани тушириб юрасан.

САВОЛ БИЗДАН...

[Ҳазил аралашган, қизиқарли деса бўладиган топшимоқлар]
1. Қаерда нон кўп бўлади!
2. Тўқизта филни қандай туттиш мумкин!
3. Эчки уч ёшга тўлгандан кейин нима бўлади!
4. Агар сичқоннинг вазни 40 килограммга етса, даст-аввал нима қилар эди!
5. Қичкина, кулранг, филга ўхшаш ҳайвон нима!
Урсчадан
Адхам ҲАМИДОВ таржимаси.
...ЖАВОБ СИЗДАН.

Ё, ҚУДРАТИНГДАН!..

Аввало танишиб қўйлик: каминанинг исм-шарифи Шодмонбек Хуррамов. Катта боғнинг киндигидаги чойхона бор-ку, ўша ерда шефмиз, шундай. Агар йўлингиз тушса, офтобда қатиқ ялашмаган бўлсак ҳам битта танишим бор эди деб, қадам ранжида қилсангиз, бошимиз осмонга етади. Доимо бир чўқим ошимиз сизга мунтазир.

Энди, оғайничалиш, гапираман десам гап кўп. Яқин-яқинларгача ичимга чироқ ёқса ёришмасди. Отандан ҳам, у зоти шарифнинг падари бузрукворларидан ҳам андак гинам бор эди. Ҳар икковлари ҳам исм танлашда нўноқ эканлар, деган фикр миямда айланаверарди, айланаверарди. Нега дейсизми? Ҳаммасини бир чизиққа тегириб, у ёқдан санасангиз ҳам, бу ёқдан санасангиз ҳам барибир, ўн иккита қизим бор. Қўнғил учун бирортаси ҳам ўғил эмас. Шуларни ўйласам, ичим олов тушгандек куйиб кетади. Ахир бу алфозда кўкрагида ёли бор мендай йигит Шодмонбек Хуррамов бўлиб қаёққа ҳам бордим...

Бир пайт келинойингиз яна қоринга ёстиқ бойлади. Ноумид шайтон, деганларидек, кўнглимда нимадир йилт этдию сўнди. Шунча марта ўз фойдасига ишлаган хотин ўн учинчисини шундоқ қилмайди, деб ким кафолат бера олади? Ҳеч ким. Қолаверса, каминада иримчиликдан бор, бу эса ўн учинчиси!

Ё, қудратингдан, нима бало, бу ожизанинг мусичадай беозор жуфти ҳалолда қасди борми? Ўзи пешонам шўр экан. Агар ишонмасангиз, бир бурда нонни суриб кўринг, ароқдан кейин бемалол газак қилса бўлади.

Энди давомини эшитинг. Ўтган ойнинг ўн иккинчи кўни ярим тунда елкамга туртиб уйғотди. Кўзларимни ишқалаб, базўр очдим. Қарасам, ҳатти-ҳаракати бежо. «Тезроқ скорий чақирмасангиз бўлмайди», — дейди. Шу заҳоти рангим бўздай оқариб, лабимга учуқ тошиб кетди. Чиқмаган жондан умид, деганларидек: «Жон хотин, атиги бир кўнгина сабр қилгин, умринг узоқ бўлгур янги меҳмонга ҳам тайинла, хархашасини бошламай турсин. Эсон-омон ўн тўртинчи числога ўтиб олайлик», — деб худонинг зорини қилдим — кўнмади. Икки оёғини бир этикка тиқиб, «Чақиринг дедимми, чақирасиз!» — деб туриб олди номард!

Аслида Шодмонбек деган номимдан ўзга ҳеч нарсам йўқ, телелўнни эса қўяверинг. Кўчадаги аптаматга чопдим. «Ўн учинчи даҳаданги ўн учинчи домга, ўн учинчи квартирга етиб келинглар, хотин кўймапти!» — дедим.

Орадан кўп ўтмай доминизнинг ёнига мошин келиб тўхтади. Битта чирогини ўчирувди, нўмирига кўзим тушди: 13-13 ТНВ! Яна ўн уч, урди худо!

Ноилж оқ қалпоқли ҳамширанинг ёрдамида хотин-тўранинг ёнидан жой олдим. Мошин янги экан, овоз чиқармай олиб кетди. Қан-

ча юрганини, қаёққа юрганини билмайман. Ёйқиллаб тўхтади. Қўрқа-писа ташқарига мўраласам, дарвоза пештоқида «13-шаҳар туғруқхонаси» деган ёзувга кўзим тушди. Додлаворай дедим. Ё, қудратингдан, буниси ҳам ўн уч! Ишқилиб, бир ҳафтадан кейин маликаи дилозоримиз ўн учинчи қизалоқни кўлимга тутқазиб турмасада!

Уйга қайтиб келиб, мутлақо ухломмадим. Пар тўшакда эмас, миҳ устида ётгандек сезаман ўзимни. Илондай тўлганаман.

Тонг ёришгач, ўзим истамасамда, оёқларим туғруқхонага бошлади. Ойна ортида мудраб ўтирган ҳамшира уйқуси бузилгани учун норози бўлиб: «Опити бор одамга ўхшайсиз, намунча хўроз қичқирмасдан келиб олдингиз?! — деб тўнғиллади. Кейин афтимга бир мuddат тикилиб турдида, раҳми келди шекилли: «Хавотир олманг, амаки, келинойимни ўн учинчи палатага жойлаштирганмиз, жуда яхши хона», — деб тасалли берди ўзича.

Шу десангиз, йиглаб юборишимга бир баҳа қолди. Палатани мақташини қаранг, башарасига: «Нима, ўша хонада туғиб кўрганмисан, қаердан биласан!» — деб бақирворгим келди. Шайтонга бир амаллаб ҳай бердимю шўр пешонамга шапатаиладим. Энди қандай яшайсан, Шодмон? Аскиячи улфатларингга қандай дуч келасан, энди? Ёки бу ерлардан бош олиб кетасанми? Хотинунинг кетидан ўн учта қизни паравознинг вагонига ўхшаб эргаштириб, қаерга ҳам борардинг! Ўл бу кўнингдан!

Уйга бориб, кўкрагимни захга бериб ётавердим. Очликдан қоринни мушук тирмалайди, аммо чумчунинг калласидай нонни чайнашга ҳафсала йўқ. Ётавердим. Шу ётганча икки кун ўрнимдан турмадим. Кейин минг андиша билан йўлга отландим. Э, воҳ, туғруқхонада бу сафар қилтириқдан сал семизроқ ҳамширага дуч келдимки, балога қолдим. «Қанақа одамсиз ўзи? Шунчалар ҳам лоқайд бўласизми? Дунёни сув босса, тўпирингизга қиймадия!» — деб бақира кетди.

Хўрлигим, кейин газабим келди. Айб мендами? «Қаерни сув олиб кетибди ўзи?» — деб қичқирдим.

Дўхтир бу сафар сал пастга тушди. «Келинойим икки кун олдин, 13 май кўни соат 13 дан ўн уч дақиқа ўтганда планни бажариб қўйган, амаки!»

Лекин мен отдан тушмадим. Бақани ҳадеб босаверсанг, охири «вақ» этади-да. «Ўн учинчи қиз билан табриклайман, денг? Нима қилай, ўн уч тийин суюнчи берайми?» — дедим овозим титраб.

Бу қочирим унга ўқ теккандай таъсир қилди.

«Биринчидан, қиз эмас, ўғил! Иккинчидан, суюнчингизга зор эмасман!» — дедию тасир-тусир қилганча ичкарига кириб кетди. Мен эса...

Али ЧИЛАНГАР.

Сиз кутман, кутмаган хабарлар

СИРДАРЁ

КЎП ЕЙМАН ДЕБ...

Халқимизнинг оқилу донолигига тан бермай илож йўқ. Ҳар бир мақолу маталида пурмаъно мужассам. Хусусан, эчкига жон қайғу, қассобга ёғ, деган нақлнинг исботини ҳар қадамда учратиш мумкин бўлиб қолди. Соф виждонли ҳамюртларимиз ҳалол меҳнатлари билан мустақил республикамиз бойликларини кўпайтиришга интисалар, баъзи қаллоблар текин пул учун ўз биродарлари ризқини қийишдан тийилмаётдилар...

минг 120 сўмлик оёқ кийимни тағчарми ва қолипларини харид қилди. Сўнгра изига қайтди.

Аммо унинг шодлиги ДНнинг 140-постига давом этди, холос. Хуллас, сафари 200 сўм жарима тўлаш билан якунланди.

Яна шу шаҳарлик Солижон Юсупов ва Абдукарим Сатторовлар Жиззах бозорига ташриф буюришди. Учта аёллар пальтоси, икита ёмғирпўши, бир жуфт крассовка, ўн килограмм кўк чой — ҳаммаси бўлиб 10 минг сўмлик буюмларни харид қилишди. Аммо бу нарсалар буюрмаган экан. Юқоридаги постда ҳаммасини топширишди, яна 300 сўм жарима тўлаб, уйларига қуруқ қайтишди.

Маҳкам ҲАКИМОВ.

МОЛ ЎҒРИСИ УШЛАНДИ

Комсомол тумани ички ишлар бўлимининг навбатчилик қисмига ўрта ёшлардаги бир киши ташвишли ҳолатда кириб келди.

«Москва» давлат хўжалигининг «Фарғона» қишлоғида яшайман. Исм-фамилиям Абдукарим Аминжонов, — дея ўзини таништирди. — Тунда икки бош сизирми бузоғи билан ўғирлаб кетишибди.

Бу хабар Оқмирза Элтоев бошлиқ тезкор гуруҳни оёққа турғизди. Дастлаб жабрдийданинг молхонаси ва теваарак-атроф синчиклаб текширилди. Оёқ излари бирма-бир ўрганилди. Гувоҳлар сўралди. Аммо тўпланган далиллар изқуварлар учун кифоя эмас эди. Улар кун бўйи тиним билмадилар. Кўплаб кишилар билан суҳбат ўтказилди, керакли жойлар текширилди. Ҳийла излаишлардан сўнг изқуварлар калаванинг учини топгандай бўлишди. Шубҳа

ва гумонлар «Фарғона» қишлоғига туташ жойда, яъни қўшни «Ленинград» давлат хўжалигида яшовчи Адҳам Турдиевга бориб тақалди. Гумондорнинг ўша кунни қаерда, нима билан шуғулланганлиги обдон ўрганилди. А. Турдиев ҳам анойи эмас экан. Қинчирликни инкор этиб, сувдан қуруқ чиқишга роса интилди. Аммо рад этиб бўлмайдиган далил-исботлар унинг оғзини сирачлаб ташлади. Ночор бошини эгиб, айбини бўйнига олди.

Бу жиноятни очишга бир кун кифоя қилди, холос, — дейди тезкор гуруҳ раҳбари, милиция майори Оқмирза Элтоев. — Ўғрини қўлга олишда А. Қолдибеков, Ш. Маматов, Р. Холиқов, Ж. Абдужалилов каби милиция ходимлари ҳам ўз ҳиссаларини қўшишди.

Анорбой НОРҚУЛОВ.

ТОШКЕНТ

ШАЙТОННИНГ МАЛАЙЛАРИ

Рига киностудиясида суратга олинган машҳур фильмни эсладингиз-а? Мен ҳам ўша фильм қўрамонларига қойил қолганман бир пайтлар. Ватанпарвар йигит-қизлар кутилмаганда душмани доғда қолдириб, сирли равишда ғойиб бўлишарди.

Шундай «қобилият» эгалари Тошкентда ҳам бор экан.

Бир бошидан тушунтирадиган бўлсак, Деҳлига сафарга отланган олма-оталик В. Вербитская ва А. Да-

видовалар ИИБга югуриб киришди. Узини боғжона ходими деб таништирган икки киши юкларини ўтказишда ёрдамлашиш учун саёҳатчилардан 8 минг сўм олишгану ғойиб бўлишган.

Милиция ёмон ишламади. Шайтон малайлари — қўналганинг халқро йўналиш бўйича хизматчилари Т. ва В. қўлга олинди.

ЗИЕД.

ДАВЛАТНИКИ ЎРТАДА

Авваллари Н. Оқбоевнинг ўғирлик қилган-қилмаганлиги ҳақида бирор нарса деб бўлмайди. Эҳтимол қилмагандир. Лекин шу йилнинг 15 мартада ўзи

яшаб турган Охунбобоев номли жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган суттовар фермасига тунда пушиб келгани аниқ.

Яқинба кунни тоғ отмаёқ молбозорга ҳайдаб, икки ярим мингга сотганини даллол ҳам, харидор ҳам инкор этмади. Шу билан ҳаромдан ҳазар қилса майли эди-я... Бироқ, у 20 мартада тагин фермага келди. Бир бузоқни танладида, қонига тикди. Бу гал ҳам жонивор осонгина сотилди.

Ким билади, дейсиз, агарда Юқори Чирчиқ тумани ИИБ ходимлари Нураниннинг давлат бузоқларига бўлган иштиёқини вақтида сўндирмаганида, у қанчасини ўғирлаб сотиб, чўнтагини қаппайтирарди.

М. ИСРОИЛОВА.

ХОРАЗМ

ЎҒРИЛАР ҚЎШНИ ЭКАН

14 июнга ўтар кечаси Шовот туманидаги К. Раҳимов жамоа хўжалигида яшовчи, паррандачилик фабрикаси ишчиси К. Қаландаров 2 яшар сизгири йўқолганлиги ҳақида ИИБга мурожаат қилди. Кўрилган чора-тадбирлар бесамара кетмади. Ўғрилар шу жамоа хўжалигининг 8-бригадасида истиқомат қилувчи 1974 йилда туғилган С. Жугазшвили ҳамда 21 ёшли С. Пўлатлар экан.

НИҚОВ ЕЧИБ ТАШЛАНДИ

Урганч шаҳрилик Гулчеҳра Мирзаева уйига кириб келган икки нафар ниқобли кимсани кўрдию кўрқувдан ўзини йўқотиб қўйди.

Меҳмонлар эса қимматбаҳо тақинчоқлари видеоманитофонни қўлтиқлаб «беозоргина» чиқиб кетишди.

Шаҳар ИИБ ва прокуратураси ходимлари маълум мuddат ичида Эдуард Поляничний ва Андрей Душановларни қўлга олишди. Худди шунингдек Элмира Исмоилова ҳамда Матназар Машариповлар уларнинг ҳамтовоқлари эканлиги ҳам аниқланди.

ХАЗОН БУЛГАН НАВНИҲОЛ

14 июнь кунни соат 21 ларда Ҳазорасп тумани Октябрь жамоа хўжалигининг 4-бригадаси ҳудудида автофалокат содир этилди. Қишлоқ хўжалик базаси шофёри Йўлдош Жуманазаров ўзига бириктирилган «ЗИЛ-133» белгили 81-64 ХЗД давлат рақамли автомашинаси билан 1977 йилда туғилган Назира Йўлдошевани уриб юборди. Оқибатда 15 ёшли қиз шу ернинг ўзидаёқ ҳаётдан кўз юмди.

Ортиқ МАҲМАЮСУПОВ.


ЭЪЛОН

Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов туманидаги 23-ўрта мактаб томонидан 1983 йилда Ризаева Гулчеҳра Хўжаназаровна номига берилган 260444 рақамли ўрта маълумот олганлик тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон Республикаси ИИБ раҳбарияти ва «Постда» — «На посту» рўзномалари жамоаси шу рўзномаларнинг муҳаррири Зокир Отаевага падари бузруквори Эргаш ОТАЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирди.


БОШҚОТИРМА




Ленанинг ўнг ирмоғи, 28. Марказий Америкадаги давлат, 29. Жанубий Ҳиндистондаги номи 1973 йилгача Майсур бўлган штат, 32. Собиқ социалистик давлатлардан бирининг пойтахти, 33. Мева шарбатини қайнатиб тайёрланадиган ширинлик, 38. Ҳиндистон-

даги штат, 39. Россия Федерациясидаги вилоятлардан бири, 42. Кавш қайтарувчи уй ҳайвони, 43. Шинжондаги Гулжа шаҳрининг иккинчи номи.

Тузувчи: Йўлдош НАСРИДДИНОВ, милиция подполковниги.




Муҳаррир ўринбосари Раҳмонали ҚОСИМОВ.



Телефонлар: муҳаррир — 54-37-91, муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, муҳбирлар бўлими — 59-26-56, 59-20-92, умумий бўлим — 59-21-21.

Обуна рақами — 64615.



МАНЗИЛГОҲИМИЗ:

700029, Тошкент, Лопатин кўчаси, 1.

* Кўчириб босишда «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт. * Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, очиқ эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади. * Муаллифнинг мулоҳазаси тахририят фикрига мос тушмаслиги мумкин. * Қўлбазмалар таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди.

Ўзбекистон Жумҳурияти «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни босмахонаси. 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Рўзнома офсет усулида, А-3 қолипда босилган.

Босмага бериш вақти 18.00. Босмага берилди 17.00. 12.992 нусхада чоп этилди. Бузуртма — № Г—206.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11